ISSN 2181-7138

# МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ

*Илимий-методикалық журнал*

# *2023*

# 2/1-сан

*Өзбекстан Республикасы Министрлер Кабинети жанындағы*
*Жоқарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының*
*25.10.2007 жыл (№138) қарары менен дизимге алынды*

*Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм хабар агентлиги тәрепинен*
*2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды.*
*№01-044-санлы гуўалық берилген.*

Нөкис

**2/1-сан *2023***

*март-апрель*

***Шөлкемлестириўшилер:***

***Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў Министрлиги,***
***ӨЗПИИИ Қарақалпақстан филиалы***

**Редактор:**
**А. Тилегенов**

**Редколлегия ағзалары:**

Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ
Ерполат АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Алишер АЛЛАМУРАТОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Тўлқин АЛЛАЁРОВ
Умида БАҲАДИРОВА
Фархад БАБАШЕВ
Гулзода БОЙМУРОДОВА
Маманазар ДЖУМАЕВ
Асқар ДЖУМАШЕВ
Гүлнара ЖУМАШЕВА
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ
Умида ИБРАГИМОВА
Меруерт ПАЗЫЛОВА
Асқарбай НИЯЗОВ
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Нуржан МАТЧАНОВ
Шукурилло МАРДОНОВ
Бахтиёр РАХИМОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Барлықбай ПРЕНОВ
Қаҳҳор ТУРСУНОВ
Нурзода ТОШЕВА
Тажибай УТЕБАЕВ
Аманғелди КАМАЛОВ
Ризамат ШОДИЕВ
Зафар ЧОРШАНБИЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсор ЭРГАШЕВА
Гавхар ЭЩАНОВА

# МАЗМУНЫ

## ТИЛ ҲӘМ ӘДЕБИЯТ

**Seytkasımov D. B.** Kompetenciyaǵa baǵdarlanǵan tálim tiykarında filolog-oqıtíwshí profilin jaratíw ... 6
**Курбанова Ш. А.** Концепт терминининг когнитив тилшуносликда ва лингвомаданиятшуносликдаги аҳамияти ... 13
**Toshxujayeva Sh., Karimova Sh.** Erkin A'zam asarlarida frazeologizmlar ... 20
**Masodikova Z. H.** Oliy ta'lim muassasalarida nemis tilini pedagogik texnologiyalar orqali o'rgatish ... 24
**Akbarova M. Sh.** G`ayriodatiy birikmalar badiiy matnning lingvopoetik qiymatini oshiruvchi omil sifatida ... 28
**Yigitaliyeva Sh. I.** "Yaxshilik" konseptining bilvosita ifodalanishi ... 33
**Закирова Д. Х.** Нутқий жанрлар концепцияси хусусида ... 38
**Тошхужаева Ш., Каримова Ш.** Эркин Аъзам асарларида киноя ... 43
**Тошхужаева Ш.** Эркин Аъзам асарларида парантезаларнинг лингвопоэтик хусусиятлари ... 47
**Орипова К. Э.** Ўхшатишлар иштирокидаги бадиий матнларда антонимлар маданий омил сифатида ... 52
**Ishmatova O. S.** Fonetik ritmika – nutqni kompleks rivojlantirish omili sifatida ... 57
**Махмудова Д. С.** Методы и приемы обучения русскому языку ... 65

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

**Хужаназарова Н. М.** Тарбияланувчиларда меҳнат кўникмаларини ҳосил қилиш ... 70
**Taylanova Sh.** Boshqaruv tizimini rivojlantirish yo'llari ... 73
**Донаев С. Х.** Таълим сифатини бошқаришнинг муҳим хусусиятлари ... 77
**Abdraimova B. B.** Bo'lajak biologiya o'qituvchilarini tayyorlashda pedagogik diagnostika muammosining nazariy aspektlari ... 83
**Kultaev K. K.** To'yingan uglevodorodlar mavzusiga interfaol usullarning tatbig'i ... 92
**Abdullayev A. Q., Abdullayeva N. R.** Umumiy o'rta ta'lim maktablarida matematika fanini o'qitishda innovatsion ta'lim texnologiyalari asosida kreativ faoliyatini rivojlantirish ... 99
**Ibadullayeva Sh. N.** Pedagogik amaliyot jarayonida bo'lajak maxsus pedagoglarni kasbiy faoliyatga tayyorlashning mexanizmlarini takomillashtirish ... 105
**Бабаева Х. У.** Педагогик таълим инновацион кластерининг афзаллиги ... 111
**Эрназарова Г. О., Калдибеков А. Б.** Бўлажак педагогларнинг технологик компетентлик даражасини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари ... 115
**Қурбанова М. Э.** Касбий-технологик вариативлик асосида ўқув жараёнида инновацион фаолиятни ташкил этиш ... 121
**Тўйчиева Г. М.** Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-билиш компетенциясини шакллантириш ... 125
**Janbayeva M. S.** Innovatsion jamiyat sharoitida zamonaviy o'qituvchilarga bo'lgan ehtiyojlar ... 130
**Meylieva M. S.** Kasb tanlashga munosabat tizimi mezonlarining tanlanishi ... 133
**Ne`matova Z. F.** Ta'lim, fan va ishlab chiqarish integratsiyasida zamonaviy o'rta bog'in kadrlarni tayyorlash tamoyillari ... 138
**Majidova G. A.** Umumta'lim maktablarida immersiv texnologiyalardan foydalanish ko'nikmasini oshirish ... 142
**Xalilov F. V.** Muhandislik oliy ta'lim muassasalarida mustaqil ta'lim va unda bilimlar bazasi qo'llash zaruriyati ... 146
**Ашурова С. Ю.** Ўқитиш тамойиллари таълим жараёнида дидактик воситалар ва материаллардан фойдаланишнинг асоси сифатида ... 152
**Muslimov Sh. N.** Bo'lajak texnologiya fani o'qituvchilarini kasbiy-grafik kompetentligini rivojlantirishda shaxsga yo'naltirilgan ta'limning roli ... 157

**Sharipov A. A.** Professional talim muassasalari oquvchilarining zamonaviy pedagogik texnologiyalar vositasida amaliyotga yo'naltirish metodikasini takomillashtirish ........ 163
**Абдалова С. Р.** Дарснинг ўқув жараёнидаги ўрнини ўрганиш ҳамда муаммоли ўқитиш технологияси нуқтаи-назаридан таҳлил қилиш ........ 168
**Мусурманов Р., Султанова Д. А.** Академик Қори Ниёзий педагогик фаолиятини ўрганиш замон талаби ........ 174
**Raxmanova M. Q.** Talabalarning ijtimoiy kompetentligini rivojlantirishning zamonaviy yondashuvlari ........ 178
**Кадирова Х. А.** Замонавий таълим технологиялари ёрдамида миллий дунёқарашни ривожлантириш механизмлари ........ 183
**Парпиева М. М.** Технологик таълим ўқитувчисининг аутопедагогик компетентлигини ривожлантириш муаммосини ўрганишнинг илмий-амалий асослари ........ 188
**Tursunbayeva Yu. R.** Oliy ta`lim muassasalarida o`qitish jarayonini boshqarish texnologiyasi pedagogik mexanizmlari ........ 194
**Мусурмонов Р., Суяров А. М.** Ёшларнинг шарқона имиджи ва муомала одобини шакллантириш хусусида ........ 200
**Жумаева Ю. Р.** Бўлажак ўқитувчиларни форсайт технологияси асосида касбий фаолиятга тайёрлаш ........ 206
**Кабирова З. М.** Аралаш таълим технологияларининг аҳамияти ........ 211
**Xasanov F. Z.** Bo'lajak matematika o'qituvshilarini metodik tayyorlashning o'ziga xos xususiyatlari ........ 215
**Ortiqova N. A.** O'qituvchining pedagogik faoliyatidagi psixologik to'siqlar va ularni bartaraf etish metodlari ........ 220
**Ortiqova N. A.** Tarbiya maqsadini ishlab chiqishning pedagogik xususiyatlari ........ 230
**Axmadaliyev B. S.** Oliy ta'lim muassasalarida tarbiyaviy ishlarni tashkillashtirishning innovasion usullari ........ 235
**G'aniyeva D. M.** Методология анализа взаимной интеграции форм социального сознания на основе научных подходов ........ 239
**Файзиева У. Ю.** Особенности внедрения инклюзивного образования в Республике Узбекистан ........ 248
**Махмудова Д. С.** В педагогической деятельности учителя психологические барьеры и методы их преодоления ........ 257
**Кочкаров А. А.** Диагностика индивидуально-типологических свойств курсантов образовательных учреждений МВД Республики Узбекистан ........ 264
**Musurmankulova M. N.** The new educational system of uzbekistan and new conditions for teachers ........ 269

## МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲӘМ РУЎХЫЙЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

**Файзиева У. Ю.** Международная практика инклюзивного образования История становления инклюзивного образования ........ 272

## ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

**Mirsanov U. M., Isroilov N. S.** Umumiy o'rta ta'lim maktab o'quvchilariga dasturlash dasturlashni o'rgatishda xorijiy davlatlarning tajribalaridan foydalanish ........ 280
**Esanbayev B. I.** Talabalarning fraktal grafikaga oid kompetentligini rivojlantrish muammolari ........ 286
**Абидова З. К.** Профессионал таълим муассасалари ахборот муҳитини шакллантиришда электрон таълим ресурслари янги авлодидан фойдаланиш ........ 292
**Xo'janazarov Z. R.** Ta'lim sifatini ta'minlashda SMART-texnologiyalaridan foydalanish ........ 298
**Yusufxodjayeva F. M.** O'quvchilarida gazlamalarga ishlov berish texnologiyasi darslarida kasanachilik ko'nikmalarini shakllantirish ........ 305
**Ibragimova M. G.** Texnologiya ta'limi darslarida o'quvchilarni ijodkorlik qobiliyatlarini rivojlantirish orqali kasb- hunarga yo'naltirish ........ 310
**Isaqova Z. R., Tursunov J. E.** To'qimachilik korxonalarida мато turlarini kengaytirish ........ 315

## БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

**Shodiyev R. D., Shonazarov U. Sh.** Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining mantiqiy tafakkurini rivojlantirish ........ 319
**Taylanova Sh.** Maktabgacha ta’lim tizimini yanada takomillashtirish ........ 326
**Rabbimova M. M.** Bo‘lajak maktabgacha ta`lim pedagoglarida amaliy kompetentlikni rivojlantirish ........ 330
**Эрҳанова Н. А.** “Тил ва нутқ” марказида инновацион-методик фаолият олиб бориш самарадорлиги ........ 333
**Жовмирзаева Н. Қ.** Мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг эмоционал компетенциясини шакллантириш механизмлари ........ 339
**Karimova Sh. B.** Maktabgacha yoshdagi bolalarning vatanparvarlik tarbiyasini shakllantirishda axloqiy kotigoriyalarning ahamiyati tahlili ........ 343
**Halimova M. A.** Tabiiy fanlar (SCIENCE) o’quv predmeti – o’quvchilar ilmiy dunyoqarashini rivojlantish aspektlari sifatida ........ 347
**Mo’minova G. B., Sirojiddinova S.** Zamonaviy maktabgacha ta’lim tizimini rivojlantirish asoslari (O’zbekiston misolida) ........ 352
**Mo’minova G. B., Muhammadaliyeva D.** Maktabgacha ta’lim tashkilotlarida bolalarning nutqini o’stirish metodlarining ilmiy-nazariy tahlili (turli yosh bosqichlari misolida) ........ 356
**Dehqonova M. G’.** Ko’zi ojiz bolalar bilan olib boriladigan logopedik ishning o’ziga xos xususiyatlari ........ 360
**Azizova Z. b., Aliyeva S.** Maktabgacha yoshdagi bolalarning aqliy bilish ko’nikmalarini rivojlantirish texnologiyalari ........ 366
**Azizova Z. B., Mavlonova M.** Maktabgacha ta’lim tashkilotlarida pedagoglarning kreativligini rivojlantirishning ahamiyati ........ 370
**Abdubannopova M. A.** Maktabgacha ta’lim tashklilotlarida tarbiyachinbing inklyuzif kompetensiyasini rivojlantirish ........ 374
**G’aniyeva D. M., Ismoilova M.** Maktabgacha yoshdagi bolalarda ijtimoiy ong shakllanishida axloqiy normalarning ahamiyati ........ 379
**Usmonova M. S.** Alohida ta’lim ehtiyojlari bo’lgan bolalarni o’qitish va tarbiyalash muammolari ........ 388
**Yoqubjonova G. X.** Boshlang`ich sinflarda o`qish va tabiatshunoslik fanlarini o’qitishda fanlararo aloqadorlikni amalga oshirish ........ 393
**Жураева М. А.** Развитие коммуникативно-речевой компетенции будущих учителей начальных классов ........ 399
**Asiljonova Sh.** Preschoolers Benefit from Learning a Foreign Language ........ 404

## ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲӘМ СПОРТ

**Қамбаров О. Ф.** Кичик синф ўқувчиларини жисмоний тайёргарлигини баҳолашнинг методологик асослари ........ 411
**Муродов К. Н.** Спорт курашида махсус ускуналар ёрдамида мушак кучини даражасини аниқлаш ва ривожлантириш йўллари ........ 418
**Исмагилов Д. К.** Интегральные специальные средства подготовки футболистов на этапах совершенствования спортивного мастерства и высшего спортивного мастерства ........ 426
**Миршарапов А. Г.** Мини-футбол как средство физического воспитания и физической подготовленности ........ 429
**Эрдонов О. Л., Махмудов В. В.** Мини-футбол как вид спорта и средства физического воспитания студенческой молодёжи ........ 433
**Эрдонов О. Л.** Актуальность физического воспитания среди студенческой молодежи на основе применения информационных технологий ........ 438
**Mirzayev A. M.** The task of physical education and the technique of belt wrestling in the training of cadets ........ 444

# ЁШЛАРНИНГ ШАРҚОНА ИМИДЖИ ВА МУОМАЛА ОДОБИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ХУСУСИДА

***Мусурмонов Р.***
*Чирчиқ давлат педагогика университети*
*“Мактаб менежменти” кафедраси доценти, п.ф.н.*
***Суяров А. М.***
*Чирчиқ давлат педагогика университети*
*“Мактаб менежменти” кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** шарқона тарбия, муошарат одоби, ўзаро мулоқот, саломлашиш маданияти, умуминсоний қадриятлар, миллатнинг руҳи, маънавий асослар, маданий ва маънавий мерос, Шарқ ва Ғарб донишмандлари.

**Ключевые слова:** восточное воспитание, социальный этикет, взаимное общение, культура приветствия, общечеловеческие ценности, дух нации, духовные устои, культурно-духовное наследие, восточные и западные мудрецы.

**Key words:** eastern education, social etiquette, mutual communication, greeting culture, universal values, the spirit of the nation, spiritual foundations, cultural and spiritual heritage, Eastern and Western sages.

Одамларнинг меҳр-оқибати, бир-бирларига нисбатан ўзаро ҳурмат эътиборда бўлишлари мулоқот жараёнида намоён бўлади. Халқимизда азалдан мулоқот саломлашиш маданиятидан бошланади. Саломлашиш турли халқларда ҳар хил амалга оширилади. Халқимизда саломлашиш ахлоқлиликнинг юксак намунаси сифатида эътироф этилиб, унинг негизида умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги, шу миллатнинг руҳий хусусиятлари, ўзаро муносабатларининг маънавий асослари, бўлажак мулоқотнинг характери, ўзаро ҳамкорлиги акс этади.

“Қуръони карим”да саломлашиш одоби мусулмон аҳлининг қатъий мажбурий бурчи тарзида баён этилади: “Эй мўминлар, ўз уйларингиздан бошқа уйларга то изн сўрамагунингизча ва эгаларига салом бермагунингизча кирмангиз. Мана шу сизлар учун яхширокдир. Шояд ушбу эслатмадан ибрат олсангизлар”(24.27), (24.61). [2]

Аждодларимиз маданий ва маънавий мероси, улар яратган сўз, халқ тилининг туганмас бойлиги ёш авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда Абу Наср Форобий, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Юсуф

Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Хисрав Деҳлавий, Абу Ҳамид Ғаззолий, Кайкобус, Шайх Саъдий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа Шарқ ва Ғарб донишмандларининг бой меросларида фарзандларни тарбиялаш ва камолотга етказиш асосий муаммо сифатида таргиб қилинган. Улар сўзни ва нутқни таълим-тарбияда илоҳий неъмат ва ҳикмат деб билишган ҳамда ҳар бир сўзнинг ўз ўрни ва аҳамияти борлигини, тарбияда сўздан кучлироқ ва қудратлироқ нарса йўқлигини, тилга эътибор - элга эътибор эканлигини, сўз сеҳри мўъжизалар ярата олишини таъкидлаб келганлар. Буларнинг барчаси мударрис ва шогирдларнинг самимий мулоқоти жараёнида амалга оширилган. Мударрислар баркамол ва тарбияланган инсоннинг ўнта нишонаси борлигини алоҳида таъкидлашган: — биринчиси: халқ тўғри деб топган нарсага нотўгри деб қарамаслик;

– иккинчиси: ёшликдан ўз нафсига эрк бермаслик;
– учинчиси: бировлардан асло айб қидирмаслик;
– тўртинчиси: ёмонлик ва омадсизликни яхшиликка йўйиш;
– бешинчиси: агар гуноҳкор узр сўраса, узрини қабул қилиш ва кечиримли бўлиш;
– олтинчиси: муҳожирлар ҳожатини чиқариш;
– еттинчиси: доимо эл гамини ейиш;
– саккизинчиси: айбини тан олиш;
– тўққизинчиси: эл билан очиқ чеҳрали бўлиш;
– ўнинчиси: одамлар билан доимо ширин муомалада бўлиш.

Мулоқот Шарқона тарбияда ахлоқ кўрки саналган. Муаллим ҳар бир ўқувчининг қандай дунёқарашга эгалиги, тафаккури, билим савияси, ҳаётга нисбатан муносабати одамлар билан ўзаро мулоқотида намоён бўлишини уқтиришган. Шарқ мутафаккирлари меросида мулоқот - азалдан инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқа воситаси бўлган. Мулоқотнинг асосий қуроли тил ҳисобланган. Шунинг учун ҳам тил - алоқа қуроли сифатида таърифланади. Инсоннинг тили ширин, муомала маданиятига эга бўлса, қисқа вақг ичида халқ орасида обрў-эътибор топади. Кўп гапириш ҳеч қачон кишига обрў келтирмайди. Шунинг учун ҳам ўтмишда яшаб ўтган мутафаккирларимиз тилга, айтиладиган ҳар бир сўзга ҳурмат билан, ўйлаб ёндашиш лозимлигини уқтириб ўтганлар. Ўқитувчи “Сўз айтишдан аввал, ҳар дақиқада сўз ортидан келадиган оқибатларни ўйлаши керак (И.П.Павлов).

Алишер Навоий адабий меросларида муомала маданияти, хушмуомалалик, тилнинг аҳамияти тўғрисида, ширинсўзлик ҳақида ноёб фикрларни баён қилган. Бугунги кунда ҳам бу фикрлар ўз аҳамиятини йўқотган

эмас. «Тил ширинлиги - кўнгилга ёқимлидир, мулойимлиги эса фойдали. Ширин сўз соф кўнгиллар учун асал каби тотлидир» - дейди Алишер Навоий.

Ўқувчилар нутқини ўстиришда ўқитувчининг тил бойлиги муҳим аҳамиятга эга: бир томондан, ширин тиллилик ўқувчини ўқитиш ва тафаккурини ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ўқитувчининг тил бойлиги нутқининг образли, чиройли, жарангдор, намунали бўлишини таъминлайди, натижада ўқувчи диққатини ўзига жалб этади. Зотан, тил ва нутқнинг теранлиги, ўқитувчининг маҳоратини, маънавий бойлигини, ўқитувчилик қобилиятининг қай даражада эканлигини ифодалайдиган ўлчов, кўрсаткич ҳисобланади.

Америкалик шоир Рольф Эмерсон: "Нутқ қудратли куч: у ишонтиради, ундайди, мажбур қилади" дейди. [5] Шарқ мутафаккирлари ижодида тил ва нутқ воситалари орқали нотиқ, воиз, бадиҳагўй, қиссахон каби махсус санъат аҳиллари ва мударрислар диний, таълим-тарбиявий, исломий ақидаларни оммага сингдиришгани, панд-насиҳатлар қилишгани баён этилади. Ушбу нутқ соҳиблари кенг қамровли билимга, бой ахборотга эга бўлишган. Алишер Навоий "Воиз олимнинг ўзи аввало ҳалол иш кўрувчи бўлишини, унинг наснҳатидан чиқмасликни" асарларида баён этган. [6] Шунинг учун тил ширинлиги ва нотиқлик санъати устида ишлаш, нутқ маданиятини такомиллаштириб бориш ҳар бир ўқитувчининг энг асосий ижтимоий бурчи ва масъулияти хисобланади.

Таълим-тарбия жараёнида нутқнинг таъсир кучи ниҳоятда беқиёсдир. Ўқитувчининг тили нутқий қобилияти ўкувчиларнинг ўзларини тута билишларига, хулқ-атвори ва фикр юритишларига улкан таъсир этувчи кучли воситалардир. Ўқитувчининг "тил бойлиги ва нотиқлик санъати барча замонларда ёнма-ён яшаб келган" (А.П.Чехов) [4]. Унинг ҳис туйгуси, интилишлари, ирода ва эътиқоди нутқида акс этади. Ўқитувчи тил бойлиги билан ўқувчиларда хурсандчилик, руҳланиш, муҳаббат, Ватанга садоқат, газабланиш, нафратланиш ҳиссиётларини уйготади, билим олишга ундайди. Шунинг учун ўқитувчи "тилнинг халқ ўтмиши, ҳозирги ва келажак авлодни буюк бир яхлитликка, тарихий, жонли бир жипсликка айлантирувчи энг ҳаётий, энг бой ва энг мустаҳкам восита" (К.Д. Ушинский) эканлигини унутмаслиги керак. Кишиларнинг бир-бирлари билан ўзаро муносабатларида ширинсуханлик, гўзаллик, сўзлашув оҳангидаги мулойимлик "Муошарат одоби" дейилади. Муошарат одоби инсоннинг гўдаклигида ота-она багрида, оилада шакллантирилиши керак.

“Қуш уясида кўрганини қилади” дейилади халқ мақолларида. Оилада ўрганилган муошарат одобининг пойдевори мустаҳкам бўлади. Бола мактабда, улгайгач эса, ижтимоий муҳитда кўникма ҳосил қилиш жараёнида оиласида ўрганилган муошарат одобининг куч-қудратини доимо ҳис қилади. Ўқувчиларда муошарат одобини шакллантириш учун ўқитувчининг ўзи аввало хушмуомалалигини намойиш этиб, ўқувчилар қалбига йўл топа олиши, меҳрибонлиги, улар билан ҳамдард, ҳамфикр бўлиб, ўрнак бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Шарқ мутафаккирлари асарларида муошарат одоби турли кўриниш ва номларда баён этилади.

Жумладан, ал Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида асосий гоя - фозил кишилар образи. У ким бўлишидан қатъий назар шоҳми, гадоми, оддий фуқароми фозил кишидир. Шаҳарнинг фозил кишилари бир-бирларига нисбатан хурмат ва иззатда бўладилар. Ота-она ва фарзанд, устоз ва шогирд, дўстлар, қариндошлар ўртасида шарқона назокат, меҳр ва эҳтиром мавжуд. Форобий асарида бундан бир неча аср илгари ҳам ота-боболаримизнинг маънавияти нақадар юксак бўлганлиги ва бу авлодларга ўрнак бўлиши таъкидланади.

Оноре де Бальзак “Хушмуомалалик ва камтарлик кишининг чинакам маърифатли эканлигидан далолат беради” дейди. Инглиз донишманди Жон Либбок “Одамлар боодоблилик ёрдамида ҳаттоки куч билан эришиш мумкин бўлмаган галабаларга эришиши мумкин”лигини айтади [8].

Демак, муошарат одоби нафақат миллий анъаналаримиз ва урфодатларимизнинг кўзгуси бўлган, балки дунёдаги барча халқларнинг ноёб инсоний фазилати сифатида эътироф этилган. Инсоннинг энг улуг, лекин мураккаб ва машаққатли фаолиятларидан бири одамлар орасида, яъни жамиятда ўз ўрнини топиб яшашидир. Бу фаолиятнинг мураккаблиги шундаки, кўпчиликка қўшилиш, улар билан аҳил бўлиб яшаш учун инсонда шунга яраша муомала ва муносабат бўлиши керак. Муомала ва муносабатда ўқувчиларнинг дилига тўгри келмайдиган кўпол ва дилозор муносабат олиб борувчи ўқшувчиларни ҳеч ким ёқгирмайди. Ўқувчилар хушфеъл, ширинсухан, адолатпарвар, муомаласи ширин ўқитувчи ва тарбиячиларни дилдан ёқтиришадилар ва ҳурмат-эътибор қилишади.

Инсонлар орасида муносиб ўринини топиш, иноқ ва ҳамжиҳат бўлиб яшаш шартларидан бири одамнинг камтарлигидир. Камтарин инсон ҳеч қачон ўзининг ютуги билан, бадавлатлиги билан, илм-ҳунари билан мақтанмайди, ҳамма вакт камгап, содда бўлади. Аммо инсондаги камтарлик самимий бўлмоги зарур. Ширин сўз мулоқотга киришишнинг асосий

қуролидир. У инсон қалбини илитади, қўпол сўз инсон калбини жароҳатлайди.

Ўқитувчининг “ақл-заковати, фикри, ҳис-туйгулари, билими ва маданий савияси, тафаккури маълум даражада сўзда ифода этилади. Муомала маданиятида сўз ақлдан куч, тилдан ихтиёр олади” [1]. Чунки сўзнинг кудрати катга. Ўқитувчи ўз сўзига, тилига ниҳоятда эҳтиёткор бўлмоги лозим. Энг аввало, ўқувчиларга муомала маданиятини, катталар олдида ўзини тута билиши, гапини бўлмаслиги, ёши улугларга гап қайтармасликни ўргатиш зарур. Мулоқот маданияти ҳамма жойда керак. Иш жойида, транспортда, уйда биз ким билан қандай муомала қилишни билишимиз зарур. Ўқитувчининг қанчалик билимли, ақл-заковатли эканлиги ўкувчилар ва уларнинг ота-оналари билан олиб борадиган мулоқоти орқали намоён бўлади. Одамлар бутун ички дунёсини, мақсадини, муомала ва муносабатларини бир-бирларига сўз ёрдамида етказадилар, амалга оширадилар. Шу туфайли сўзлашув муносабатлари ниҳоятда гўзал ва мулойим бўлишини ҳаёт тақозо этади. Сўзга бой, ширинсухан кишиларнинг муомалалари ёқимли, иши ҳам юришган бўлади. Бундай кишиларни ёқгирадилар, ҳурмат қиладилар. Сўзлашув ҳам ўзига хос санъатдир. Бу санъатнинг илдизи муошарат одоби бўлиб, уни мукаммал ўрганиш ҳар бир инсон учун зарур. Шу билан бирга, она тилини мукаммал ўрганмоқ ва соф адабий тилда ўқувчилар билан мулоқот қилиш ўқитувчининг нотиқлик қобилиятидир.

Афсуски, реал ҳаётимизда айнан шу долзарб масала муаммолигича қолмоқда. Оммавий маданият шарқ халқлари ҳаётига ҳам дадил кириб келди ва турли-туман кўринишларда кириб келмоқда. Бундай жирканч ҳолат ёшлар маънавиятига, таълим-тарбиясига жиддий зиён этказмоқда. Айрим ҳолларда катта ёшли одамларда ҳам энсани қотирадиган, ёқимсиз қилиқлар, сўзларни ниҳоятда бузиб талаффуз қилиш ҳолларини кўриб кўнглинг айнийди. Саломлашиш одобига риоя этмасликни-ку гапирмаса ҳам бўлади. Оила даврасида фарзандлар иштирокида миллийликдан узоқлашган мимикалар, гап-сўзлар, саломлашишда бош уриштириш каби ноодатий қилиқларни қандай баҳолаш мумкин.

Янги Ўзбекистон шароитида таълим муассасалари ўқитувчи-профессорлари олдида турган ўта масъулиятли вазифалар ҳам шундан иборат эмасми?!

**Адабиётлар:**

1. Абдуллаев Ҳ. Яшил дафтар ҳикмати. -Т.: Ўқитувчи, 2000.
2. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. - Т.: Ўзбекистон, 1992, 160 б .

3. Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси.- Т.: Ўзбекистон, 1999,29 б.

4. Загвязинский В.И. Педагогическое творчество учителя.

5. Каримов И.И. Ўқитувчи, устоз, мураббий...: Талабалар ва ёш ўқитувчилар учун. Рисола. - Қўқон ДПИ, 2009, 99 б. 29.

6. Rakhmatilla Musurmonov1 In the Conditions of New Uzbekistan the Main Issues of Science and Modern Education Received 10/12/2022; Accepted 04/01/2023

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада Шарқона тарбиянинг муҳим жиҳати бўлган инсонлараро ўзаро мулоқот маданияти ва унга эришиш йўл-йўриқлари тўғрисида фикр юритилиб, тавсиялар берилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматривается культура межличностного общения, являющаяся важным аспектом восточного образования, и ориентиры ее достижения, даются рекомендации.

**SUMMARY**

The article discusses the culture of interpersonal communication, which is an important aspect of Eastern education, and guidelines for its achievement, recommendations are given.

ISSN 2181-7138

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагоғикалық
илим-изертлеў институтының Ж. Орынбаев атындағы Қарақалпақстан филиалы

# «МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ»

№ 2/1
Нөкис — 2023

Басып шығыўға жуўапкер:
*А. Тилегенов*

Баспаға таярлаған:
*А. Тилегенов, Р. Утепов*

Компьютерде таярлаған:
*П. Реймбаев*

***Мәнзил: Нөкис қаласы, Ерназар Алакөз көшеси №54***
***Тел.: 224-23-00***
***e-mail: uzniipnkkf@umail.uz,***
***mugallim-pednauk@umail.uz***
***www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz***

***Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жәрияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген мағлыўматларға автор жуўапкер.***

Орығинал-макеттен басыўға рухсат етилди 03.04.2023. Форматы 70х100 $^{1}/_{8}$
«Таймс» ғарнитурасында офсет усылында басылды.
Шәртли б.т. 29,5 . Нашр. т. Нусқасы _____ Буйыртпа №